

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВ ХИКМАТ ТАИРОВИЧ

**ҚУРИЛИШИ ТУГАТИЛМАГАН ТЕМИРБЕТОН КАРКАСЛИ
БИНОЛАРНИНГ ЮК КЎТАРУВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ
ТАДҚИҚОТИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Алимов Хикмат Таирович

Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини тадқиқоти ва уларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш 3

Алимов Хикмат Таирович

Исследование несущих конструкций железобетонных каркасных зданий незавершенного строительства и совершенствование методики их расчета... 25

Alimov Hikmat Tairovich

Investigation of load-bearing structures of reinforced concrete frame buildings of unfinished construction and improvement of the methodology for their calculation 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АЛИМОВ ХИКМАТ ТАИРОВИЧ

**ҚУРИЛИШИ ТУГАТИЛМАГАН ТЕМИРБЕТОН КАРКАСЛИ
БИНОЛАРНИНГ ЮК КЎТАРУВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ
ТАДҚИҚОТИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.01-Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/T1361 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шаджалилов Шокомил

техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Асқаров Бахтиёр Асқарович

техника фанлари доктори, профессор

Усманов Валиахмат Файзиллаевич

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Ўзоғирсаноатлойиха” АЖ

Диссертация химояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «8» сентябрь соат 12³⁰ да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 87 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» август куни тарқатилди.
(2022 йил «28» июндаги 19 - рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акромов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг техник ҳолатига аниқ баҳо бериш, ҳақиқий кучланиш-деформация ҳолатларини аниқлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни юк кўтарувчи конструкцияларини тадқиқ қилишда ташқи юк ва атроф муҳитнинг биргаликдаги салбий таъсирларини инобатга олган ҳолда ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Қурилиши тугатилмаган биноларни қайта тиклаш ишларида энг муҳим масала - бу мавжуд конструкцияларнинг ҳақиқий техник ҳолатини аниқлаш бўлиб, бу соҳада кузатув текширув ишлари олиб бориш ва олинган натижалар бўйича дастурий тизимлардан фойдаланган ҳолда аниқланган шикастланиш ва нуқсонларни бартараф қилиш учун ечимлар етарли даражада мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ташқи кучлар ва қуруқ иссиқ иқлимнинг бино темирбетон конструкцияларининг кучланиш-деформация ҳолатига таъсирини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, бетоннинг ҳақиқий мустаҳкамлигини ва арматура коррозияси даражасини аниқлаш, темирбетон юк кўтарувчи эгилувчи конструкцияларда ҳосил бўлган эгилишларнинг ҳақиқий қийматини ва сейсмик кучлар таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга қурилиши тугатилмаган биноларнинг юк кўтарувчи конструкциялари ташқи юклар таъсиридан ташқари атроф муҳитнинг салбий таъсирларини ҳам қабул қилиб оладилар ва уларни ҳисоблашда бу ҳолатлар инобатга олинмаганлиги аниқ, чунки уларнинг қурилиши тугатилмаслиги ва бунинг салбий оқибатлари лойиҳалашда назарга олинмаган ва уларни қурилишини давом эттириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қурилиш соҳасини ривожлантириш, бино ва иншоотларни ишончилигини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, ... корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш»¹ бўйича қатор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда қурилиши тугатилмаган йиғма темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг кучланиш-деформация ҳолатларини вақт давомида ўзгаришларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

экспериментал-назарий тадқиқотлар асосида таҳлил қилиш, ишончлилик даражасини, яъни уларни конструктив кўрсаткичларини реконструкция лойиҳаси жараёнида талаб даражасида таъминлаш ва қурилишини давом эттиришдан олдин қайта ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш зарурати билан боғлиқ изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 июлдаги 469 - сон «Аввал хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 296 - сон «Қурилиши тугалланмаган объектни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилиши тугатилмаган кўпгина биноларнинг ҳақиқий техник ҳолатини аниқламасдан туриб уларни қурилишини давом эттириш оқибатида вақт ўтиши билан қутилмаган шикастланишлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни юзага келмаслиги учун бу биноларнинг юк кўтарувчи темирбетон конструкциялари бетони мустаҳкамлигининг ҳақиқий қийматларини ҳамда улардаги арматура коррозиясини аниқламасдан туриб мустаҳкамлик ва деформацияларини ҳисоблашда катта ҳатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун бундай биноларнинг техник ҳолатини яхшилаш муҳим ва мураккаб вазифалардан ҳисобланади.

Қурилиши тугатилмаган объектларнинг техник ҳолатини баҳолаш бўйича хорижий олимлар Бойко М.Д., Калинин В.М., Сокова С.Д., Рогонский В.А., Порывай Г.А., Савйовский В.В., Болотских О.Н., Лужин О.В., Симионова Н.Е., Никишина О.В., Никишина О.Б. ҳамда юртимиз олимларидан Тўйчиев Н.Д., Низомов Ш.Р., Мамажанов Р.К., Хакимов Ш.А., Ходжаев А.А., Мирзаев П.Т., Шаджалилов Ш., Ювмитов А.С., Юсупов Р.Р., Хотамов А.Т., Мамажанов Р.Р. ва бошқалар назарий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Бу масалани ҳал қилиш учун қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни юк кўтарувчи конструкцияларини ташқи юк ва атроф муҳит омилларининг биргаликда таъсирларни инобатга олган ҳолда ўрганиш етарли даражада эмас. Республикамиз ҳудуди қуруқ иссиқ иқлим билан қамраб олинган ва сейсмик жиҳатдан фаол ҳисобланади. Мазкур шароитларда юқоридаги саволлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги “ARXITEKTURA, QURILISH, INTEGRATSIYA VA INNOVATSIYA MARKAZI” илмий-амалий марказда тузилган «Техническое обследование конструкции здания незавершённым строительством, расположенного по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Якубова, дом № 50» мавзусидаги №18ТО/2021 рақамли хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларига таъсир этувчи юклар ва ташқи муҳитни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ўтказиш ва олинган натижалар асосида уларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қурилиши тугатилмаган биноларда тадқиқот ўтказиш усулларини такомиллаштириш асосида темирбетон конструкцияларда бетон мустаҳкамлигининг ҳақиқий қийматини аниқлашда олинган натижалар ишончлилигини ошириш;

ташқи кучлар ва қуруқ иссиқ иқлимнинг бино темирбетон конструкцияларининг кучланиш-деформация ҳолатига таъсирини тадқиқ этиш;

бетон мустаҳкамлигини ва арматура коррозияси даражасини аниқлаш бўйича математик моделларни яратиш ва амалиётда қўллаш;

темирбетон юк кўтарувчи эгиловчи конструкцияларда ҳосил бўлган эгилишларнинг ҳақиқий қийматини ҳисоблашни такомиллаштириш;

қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни мустаҳкамлиги ва кўчишларини сейсмик кучлар таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти. Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкциялари.

Тадқиқотнинг предмети. Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкциялари бетонининг ҳақиқий мустаҳкамлиги, арматурасининг коррозия даражаси ва улардаги кучланиш-деформация ҳолатларини тадқиқот қилиш ва ўрнатиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг техник ҳолатини баҳолаш учун мавжуд меъёрий усуллар, тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилиш,

чегаравий ҳолатлар усуллари бўйича ҳисоблаш, назарий ва экспериментал ва ҳисоблаш услублари натижаларини таққослаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қурилиши тугатилмаган бинолар темирбетон конструкциялари бетон мустаҳкамлигини ҳақиқий қийматларини аниқлашда олинган натижалар ишончлилигини ошириш учун олиб борилган тажрибаларга асосланиб маълумотлар сонини меъерий хужжат ҚМҚ 2.01.03-19 6.2. бўлимидаги кўрсатмалари ва тавсияларига қараганда икки мартаба ошириш кераклиги аниқланган;

юк кўтарувчи темирбетон конструкцияларнинг бетон мустаҳкамлигини иқлимий ҳарорат ва намлик таъсирида ўзгаришини ва арматура коррозияси даражасини аниқлаш учун математик моделлар ишлаб чиқилган;

темирбетон тўсинларнинг эгилишини амалдаги меъёрлар бўйича ҳисоблаш учун айрим коэффициентлар (φ_{b1} ва φ_{b2}) қийматларини белгилашда ҳарорат ва намликни инобатга олган ҳолда ўрнатиш зарурати белгиланган;

қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни сеймик таъсирларга ҳисоблашда тадқиқот даврида олинган натижаларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бинонинг юк кўтарувчи конструкциялари бетоннинг ҳақиқий мустаҳкамлигини аниқлаш учун амалда эксплуатация қилинаётган биноларда қўлланилаётган синов жойларининг ва текширилаётган конструкцияларнинг сонини икки баробарга оширилиб, уларга статистик ишлов бериш кераклиги асосланган;

яратилган математик моделлардан фойдаланиш орқали қурилиши тугатилмаган бинолар темирбетон конструкцияларининг юк кўтариш қобилияти ва эгилишини ҳисоблаш натижалари ишончлилиги таъминланган;

қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни мустаҳкамлигини ва кўчишларини сеймик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда бажариш натижалари асосли эканлигини билдиради, чунки уларни амалга оширишда ташқи юк ва атроф муҳитнинг биргаликдаги салбий таъсирлари инобатга олинган;

қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг техник ҳолатини текшириб, уни реконструкция қилиш лойиҳасини яратиб эксплуатацияга топшириш қанча тез амалга оширилса, бундай биноларнинг ишончлилиги ва умрбоқийлиги юқори даражада таъминланишига эришилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган изланишларнинг замонавий услуб ва асбоблардан фойдаланиб бажарилганлиги, олинган натижаларга математик статистик

ишлов бериш усуллари ва ҳисобий натижаларни тажриба натижалари билан солиштириш орқали амалга оширилганлиги орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бинонинг юк кўтарувчи конструкцияларга ташқи муҳитнинг салбий таъсиридан вужудга келган бетон мустаҳкамлигининг пасайиши ва арматура коррозиясини эътиборга олган ҳолда ҳисоблашларни ўтказиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини қайта ҳисоблашда ишончлилик даражасини таъминлаган ҳолда уларни зарур ҳолатларда кучайтириш йўли билан бинонинг эксплуатацион хавфсизлиги ва умрбоқийлигини таъминлаш ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини тадқиқоти ва уларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ўтказилган техник ва илмий тадқиқотлар асосида Тошкент шаҳри Сирғали туманида ўттиз йилдан кўпроқ муддатда қурилиши тугатилмаган бир ва саккиз қаватли темирбетон каркасли биноларнинг тадқиқот натижаларига кўра уларни реконструкция лойиҳасини яратишга берилган тавсиялар “ARXITEKTURA, QURILISH, INTEGRATSIYA VA INNOVATSIYA MARKAZI” МЧЖ амалиётида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги №09-06/555-сонли маълумотномаси). Натижада буютмачи «ТЕХМЕТПЛАСТ» МЧЖ текширилган биноларни эксплуатацияга киритиш учун керакли қайта қуриш ишларини давом эттириш имконини берган;

яратилган математик моделлардан фойдаланиш дастурлари интеллектуал мулк сифатида қайд қилинди ва ўрнатилган тартибда уларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳномалар олинди. Арматуранинг коррозиядан емирилишини аниқлаш учун берилган математик модел “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан қайта ишланаётган ҚМҚ 2.01.16-97 “Турар жой биноларининг жисмоний емирилишини баҳолаш қоидалари” меъёрий ҳужжатига киритиш учун қабул қилинди ҳамда ушбу моделлардан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг ўқув жараёнида фойдаланилди. Улар 7073030 - “Бино ва иншоотларни конструктив лойиҳалаш” мутахассислиги бўйича тайёрланадиган магистрлар учун “Бино ва иншоотларни қайта қуриш, текшириш ва синовдан ўтказиш” фанидан магистрантларни ўқитиш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги №09-06/555-сонли маълумотномаси). Натижада математик моделлар ва тайёрланган дастурлардан фойдаланиш бетон мустаҳкамлигини ва арматура коррозиясини аниқлашда ишончлилик даражаси ортишига имкон

яратган ва ўқув жараёнида қўллаш институтда тайёрланаётган кадрлар сифатини бевосита оширишга хизмат қилиш имконини берган;

темирбетон конструкцияларни ташқи юклар ва атроф муҳитнинг салбий таъсирини инобатга олиб уларнинг мустаҳкамлик ва деформацияларини ҳисоблаш учун берилган тавсиялар лойиҳа институти “ТашГИПРОГОР” АЖ ҳамда “MASSHTAB PROEKT - STROY” МЧЖ ва “ARCHITECTURE AND ENGINEERING GROUP” МЧЖлар амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги №09-06/555-сонли маълумотномаси). Натижада берилган тавсияларни амалиётда қўллаш қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларни юк кўтарувчи конструкцияларини ишончлилиқ даражасини оширишга ва реконструкция лойиҳасини талаб даражасида бажариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган. 6 та мақола халқаро ва республика конференцияларидаги маърузалар тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Диссертация ҳажми 107 бетдан, 14 жадвалдан, 34 расмдан ва 3 иловадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланиб, объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги шакллантирилган. Муаммони ўрганганлик даражаси ва Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот режалари ўртасидаги боғлиқлик, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, уларни биноларни қайта лойиҳалаштириш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг наشري ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қурилиши тугатилмаган объектларини техник ҳолатини тахлили”** номли биринчи бобида қурилиши тугатилмаган объектларни пайдо бўлиш сабаблари, турлари, қурилиши тугатилмаган объектлар ва консервациянинг таърифи, қурилиш ишларини давом

эттиришни бошлаш жараёнида юзага келадиган муаммолар, қурилиш конструкцияларининг ишини тадқиқ қилиш, темирбетон конструкциялардаги нуқсон ва шикастланишлар, қуруқ иссиқ иқлимнинг бетон хоссалари ва темирбетон конструкцияларининг ишига таъсири ҳақидаги маълумотлар ва адабиётлар таҳлили ёритиб берилган.

Ўтган асрнинг сўнги йилларида қурилиш объектларини молиялаштириш масаласи ҳал қилинмаганлиги оқибатида қурилиш-монтаж ишлари тўхтаб қолган, бунинг натижасида қурилиши тугатилмаган объектлар пайдо бўлган. Бундай объектлар намлик, паст ва юқори ҳарорат сингари атроф-муҳит таъсирларига даврий равишда дучор бўлиб, бунинг оқибатида уларнинг хизмат муддати анча қисқарган бўлиши мумкин. Қурилиши тугатилмаган объектлар конструкцияларини ҳисоблашда юқорида қайд қилинган таъсирлар кўзда тутилмаган ва конструкция элементлари бузилишига олиб келадиган турли шикастланишлар пайдо бўлиши инobatга олинмаган.

Бундай ҳолатни юзага келишида, албатта объектив ва субъектив сабаблар бор. Қурилиши тугатилмаган объектни етарлича консервация қилинмаганлиги ёки консервациянинг умуман мавжуд эмаслиги мазкур объектларнинг конструкцияларида юзага келадиган нуқсон ва деформацияларнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, амалдаги ҚМҚ 2.03.01-96 “Бетон ва темирбетон конструкциялари” меъёрий ҳужжатнинг 2.14 бандига кўра, қуёш радиациясидан ҳимояланмаган темирбетон конструкциялари ҳаво ҳарорати июль ойида 28 °С ва ундан кўп бўлган ҳудудларда ишлашга мўлжалланган бўлса, уларни ҳарорат иқлим таъсирини инobatга олган ҳолда ҳисоблаш керак. Бу талаб қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бинолар конструкцияларига ҳам таалукли деган ҳулоса келиб чиқади.

Қурилиши тугатилмаган объектлар муаммоси долзарб ва қатор сабабларга кўра ечимини ортга суриб бўлмайдиган зарурат бўлиб ҳисобланади. Мазкур масалаларни ҳал этиш орқали мамлакатимизнинг инвестицион иқлимини янада яхшилаш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, ушбу диссертация қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи конструкцияларини уларга таъсир этувчи юклар ва ташқи муҳитни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот қилиш ва уларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштиришга бағишланган.

Диссертациянинг **“Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бинолар ҳолатини тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи бобида қурилиш майдони муҳандислик-геологик шароитлари, заминнинг ҳолати бўйича ҳулоса, техник тадқиқот ўтказиш усуллари, қўлланиладиган асбоб, ускуна ва мосламалар, қурилиши тугатилмаган объектларини қурилиш ҳудуди тавсифи, биноларнинг ҳажмий-тарҳий схемалари ва конструктив ечимлари, юк кўтарувчи конструкцияларини текшириш натижалари бир ва саккиз қаватли бино бўйича, темирбетон конструкциялардаги бетоннинг мустаҳкамлигини

аниқлаш натижалари ва ишчи арматурасининг коррозияси батафсил ёритиб берилган.

Тадқиқ қилинаётган объект Тошкент шаҳри Сирғали тумани, Якубова кўчаси 50-уйда жойлашган бўлиб, тадқиқот ўтказилган жойнинг сейсмик ҳудуди 8 балл деб баҳоланган.

Бу ҳудудда қурилиши тугатилмаган тадқиқот ўтказилиши зарур бўлган 2 та бино жойлашган бўлиб булар А ва Б блокдан иборат.

А-блок биноси 8 - қаватли, ертўласиз, бино тўғри тўртбурчакли шаклга эга бўлиб, бинонинг тарҳдаги ўлчамлари: узунлиги 1-7 ўқлари бўйича 36 м, эни А-Г ўқлари бўйича 15 м, ва баландлиги 30,4 метрга тенг. Ўлчаш ва тадқиқот ишлари натижаларига кўра устунлар, тўсинлар ва ёпма плиталар ИИС-04 серияли йиғма темирбетон конструкцияларидан ташкил топган.

Б-блок биноси 1 - қаватли, ертўласиз, бино квадрат шаклга эга бўлиб, бинонинг тарҳдаги ўлчамлари: узунлиги 1-6 ўқлари бўйича 30 м, эни А-Е ўқлари бўйича 30 м, ва баландлиги 4 метрга тенг. Ўлчаш ва тадқиқот ишлари натижаларига кўра пойдеворлар, устунлар, тўсинлар ва ёпма плиталар ИИС-04 серияли йиғма темирбетон конструкцияларидан ташкил топган.

Ҳақиқий ўлчамлардаги темирбетон конструкцияларни техник тадқиқоти даврида уларни бетон мустаҳкамлигини аниқлаш асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Одатда, бетоннинг ҳақиқий мустаҳкамлик қийматлари кўп ҳолатларда бошланғич ва лойиҳавий мустаҳкамлиги билан мос келмайди, чунки темирбетон конструкциялар вақт ўтиши билан таъсир этувчи кучлар ва тасодифий таъсирлар остида бўлиб, мустаҳкамлик ва деформацион хусусиятларини ўзгартирадilar.

Бетон мустаҳкамлигини ўлчаш ҚМҚ 2.01.03-19 6.2. бандида “Бетоннинг мустаҳкамлигини унинг лойиҳа ёшида бузмайдиган усуллар ёрдамида текширишда камида конструкциянинг уч ери синовдан ўтказилади деб белгиланган. Текшириладиган конструкциялар сони, уларнинг умумий ҳажмининг камида 15% ни ташкил этиши лозим” дейилган. Бу кўрсатмаларни қўллаш қурилиши тугатилмаган биноларнинг темирбетон конструкциялари бетонини мустаҳкамлигини ҳақиқий қийматини аниқ белгиламаслиги мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, бетон мустаҳкамлиги бўйича ишончли натижалар олиш учун текшираётган қурилиши тугатилмаган биноларда конструкциянинг саккизта еридан ва конструкциялар сони уларнинг умумий ҳажми бўйича 40 % гача ошириб текшириб чиқилди. Текширув синовлари ОНИКС-2.5 асбоби ёрдамида ўтказилди. Синов натижаларига кўра конструкциянинг олтига қисмида синовлар бажарилганда олинган натижаларнинг 35-42 % бир-бирга яқин келди. Натижаларнинг ишончли қийматлари 1 ва 2-жадвалларида мос равишда А ва Б блок конструкциялари учун келтирилган. Диссертациянинг иловасида ўрганилган ҳар бир элемент учун бетон мустаҳкамлиги қийматлари келтирилган.

**Темирбетон конструкциялар бетонининг мустаҳкамлигини аниқлаш
бўйича тажриба натижалари**

1 - жадвал

А-блок биноси бўйича умумий натижалар

Қаватлар	Устун		Тўсин		Ёпма		Пойдевор	
	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи
1-қават	45,6	В 30	52,8	В 35	53,7	В 40	29,5	В 20
2-қават	47,7	В 35	54,1	В 40	54,5	В 40	-	-
3-қават	46,1	В 35	54,0	В 40	55,5	В 40	-	-
4-қават	45,5	В 35	55,9	В 40	55,0	В 40	-	-
5-қават	43,9	В 30	56,9	В 40	55,6	В 40	-	-
6-қават	47,2	В 35	57,2	В 40	57,7	В 40	-	-
7-қават	51,4	В 35	55,4	В 40	55,5	В 40	-	-
8-қават	46,1	В 35	56,7	В 40	55,4	В 40	-	-

Илова: R– бетон мустаҳкамлиги

2 - жадвал

Б-блок биноси бўйича умумий натижалар

Қаватлар	Устун		Тўсин		Ёпма		Пойдевор	
	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи	R, МПа	Бетон синфи
1-қават	48,6	В 35	46,8	В 35	53,5	В 40	43,9	В 30

Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли консервация қилинмаган бионинг эгилувчи элементларида арматуранинг коррозиясини кузатиш мумкин. Унинг даражаси асосан ташқи муҳитнинг комплекс таъсири (ҳарорат, намлик, қуёш радиацияси, музлаш-эриш, намланиш-қуришнинг такрорланиши)га боғлиқдир. Тадқиқотлар натижаларига кўра, фақат 1-қаватли бионинг темирбетон конструкциялари арматураларида коррозия мавжудлиги аниқланди (3-жадвал).

3- жадвал

Б-блокдаги темирбетон тўсинлардаги арматуранинг коррозия ўлчамлари (арматура синфи А III (А 400), диаметри Ø 28 мм)

№	Ўқлар	Емирилган қисмининг чуқурлиги, мм	Қолдиқ қисм, мм	Емирилган юза, см ²	Қолдиқ юза, см ²	Емирилган юза, фоиз ҳисоби, %
1	2-Б/В	2	26	0,195	5,964	3
2	2-Б/В	2,1	25,9	0,209	5,950	4
3	2-Г/Д	2	26	0,195	5,964	3
4	2-Г/Д	2,4	25,6	0,255	5,904	4
5	2-Д/Е	4	24	0,539	5,620	10
6	2-Д/Е	3,2	24,8	0,389	5,770	7
7	4-Г/Д	2,2	25,8	0,224	5,935	4
8	4-Г/Д	1,8	26,2	0,167	5,992	3


9	4-Д/Е	2,2	25,8	0,224	5,935	4
10	4-Д/Е	2,5	25,5	0,271	5,888	5
11	3-Б/В	1,8	26,2	0,167	5,992	3
12	3-В/Г	2	26	0,195	5,964	3
13	3-Г/Д	2,2	25,8	0,224	5,935	4
14	4-А/Б	1,4	26,6	0,115	6,044	2
15	4-Б/В	2,3	25,7	0,239	5,920	4
16	5-Б/В	2,1	25,9	0,209	5,950	4
17	5-В/Г	3	25	0,354	5,805	6
18	5-Г/Д	3	25	0,354	5,805	6
19	5-Д/Е	2,4	25,6	0,255	5,904	4
20	6-А/Б	1,5	26,5	0,127	5,032	3
21	6-Б/В	1,5	26,5	0,127	5,032	3
Ўртача		2,3	25,7	0,206	5,271	4

Диссертациянинг “Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркаслибиноларнинг конструкцияларига юк ва ташқи муҳитнинг биргаликда таъсири” деб номланган учинчи бобида қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи темирбетон конструкцияларида арматуранинг коррозияга учраган ва қолдиқ қисмини ҳамда ташқи муҳит ва юк таъсирида бетоннинг мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича математик моделлар яратилган ва улардан фойдаланиш ва ҳисоб алгоритми ҳақида натижалар келтирилган.

Биноларнинг кўп йиллик умрбоқийлигини аниқлаш ёки уни прогноз қилиш бугунги кундаги долзарб масала бўлиб келмоқда. Биноларнинг темирбетон конструкцияларини ҳақиқий (реал) ҳолатини аниқлаш қатор қийинчиликлар туғдиради, чунки бетон ва арматурадаги ўзгаришлар қай даражада содир бўлгани, уларнинг бошланғич ҳолатлари ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса ҳам ҳақиқий ҳолатнинг тўғри аниқланиши муҳим ҳисобланади. Шунинг учун, бинонинг асосий юк кўтарувчи конструкциялари устун ва тўйсинлардаги арматуранинг коррозияга учрашини тақрибий ҳисоблаш моделини яратишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун R радиусга эга бўлган арматуранинг кесим юзасини доира деб, унинг юзаси емирилиш қисмлари сегментларини ҳисоблаш формуласи орқали аниқлаймиз:

$$S_{\text{сез}} = R^2 \cdot \arccos\left(\frac{r}{R}\right) - r \cdot \sqrt{R^2 - r^2} \quad R \neq 0, r \neq 0, R \neq r \quad (1)$$

бу ерда R - арматура радиуси, $S_{\text{сез}}$ - сегмент $r = R - S_a$, r - ватардан сегмент ёйигача бўлган масофа:



1-расм. Арматура емирилишининг сегмент кўриниши

$$S_a = \frac{T^n}{\sqrt{S_b - S_{b_1}}} \quad (2)$$

бу ерда S_a - коррозия чуқурлиги, T - вақт (йил), S_b - тўсин ёки устуннинг бошланғич кесим юзаси, S_{b_1} - тўсин ёки устуннинг емирилгандан кейинги кесим юзаси, $n = \frac{1}{T_N} = 0,083$.

Агар $T \in [1: 12]$ ўзгариши бир йилга тенг бўлса, $r = R - S_a$ ушбу формула ёрдамида арматуранинг вақт давомида емирилишини кузатишимиз мумкин. (2) формулага мувофиқ, қуйидаги формулани келтирамиз:

$$L(T)_{\text{ўп}} = \frac{\sum_{i=1}^{12} \frac{12 \cdot T_i^{n_i}}{\sqrt{S_b - S_{b_1}}}}{12}, \quad n_i = \frac{1}{12}, \quad i \in [1:12] \quad (3)$$

бу ерда $L(T)$ - арматуранинг бир йилдаги ўртача емирилишини ҳисобловчи функция.

Ушбу (3) функциядан фойдаланган ҳолда N йил емирилиш давомида қолдиқ кесим юзани қуйидаги формула ёрдамида ифодалаймиз:

$$S(T)_{\text{ўп}} = R - N \cdot L(T)_{\text{ўп}} \quad (4)$$

бу ерда N - йил давомида; R - радиусли арматура емирилиши натижасида қолган қисмини ҳисоблаш (фоизда).

$$\Phi = \frac{100\% S(T)_{\text{ўп}}}{R} \quad (5)$$


Қуйида хусусий ҳол учун арматуранинг ташқи муҳит шароитида қолган радиуси R га тенг бўлган арматуранинг 10 йил давомида емирилишини ҳисоблаш дастурини келтирамиз.

$$R := 14, \quad N := 10, \quad S_b, \quad S_{b_1}, \quad i := 1 \dots 12$$

Тадқиқот натижасида арматураси ташқи муҳит таъсирида қолган тўсиннинг кесим юзасини ҳисоблаш.

$$S_b - S_{b_1} := 1600, \quad h := 1, \quad T_i := i \cdot h, \quad n_i := \frac{1}{N}$$

$$\begin{cases} \text{for } i \in 1 \dots 12 \\ S a_i \leftarrow \frac{(T_i)^n}{\sqrt{S_b - S_{b_1}}} \\ a r := r_i \leftarrow R - \sigma_i \\ S_i \leftarrow (R)^2 \cdot a \cos\left(\frac{r_i}{R}\right) - r_i \cdot \sqrt{(R)^2 - (r_i)^2} \\ S \end{cases}$$



2-расм. Арматуранинг коррозияга учраган ва қолдиқ қисмини аниқлашнинг блок схемаси

Темирбетон конструкцияларини бежавотир ва узоқ муддат хизмат қилиши лойиҳа жараёнидаги ҳисобларнинг туғри бажарилишига боғлиқдир.

Республикамиз қуруқ иссиқ иқлим шароитида жойлашган бўлиб, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ва атроф муҳит нисбий намлигининг камлиги темирбетон элементларда сезиларли даражада ҳарорат, киришиш, ички кучланиш ва деформацияларни вужудга келтиради. Бундай шароитда темирбетон конструкциялари даврий ўзгарувчан ҳарорат ва намлик таъсирида бўлади. Кун давомида кундузи ҳароратнинг кўтарилиши, намликнинг камайиши, кечаси эса аксинча, ҳароратнинг пасайиши ва намликнинг ортиб бориши кузатилади. Ҳарорат ва қуёш радиациясининг ўзгариши натижасида бетондаги ҳарорат майдони элементнинг кесим юзаси бўйлаб узлуксиз равишда ўзгариб боради. Бунинг оқибатида, бетон ҳароратининг ортиши, унинг эластиклик модули ва мустаҳкамлиги сезиларли даражада камайиши кузатилади. Ташқи муҳит таъсирида бетон мустаҳкамлигини ҳарорат ва намликдан ўзгаришини аниқлаш моделини яратиш зарурати борлиги белгиланди.

Моделни яратиш учун бетон синфини ҳисоблашда иккита ўзгарувчига дуч келамиз - булар намлик ва ҳарорат. Демак, ушбу моделни яратишда ҳисоблаш математикасидаги икки ўзгарувчининг функциялари Билайн (икки ўзгарувчи) интерполяциясидан фойдаланамиз.

Билайн интерполяциясининг умумий кўриниши:

$$F(x, y) = b_1 + b_2 \cdot x + b_3 \cdot y + b_4 \cdot x \cdot y \quad (6)$$

$$T = (t_1, t_2, t_3), W = (w_1, w_2, w_3),$$

Билайн интерполяциясини ҳосил қилиш учун қуйидаги нуқталар ёрдамида (6) формуладан фойдаланамиз.

$$\begin{aligned} Q_{11} &= (t_1 : w_1), Q_{12} = (t_1 : w_2), Q_{21} = (t_2 : w_1), Q_{22} = (t_2 : w_2), \\ B(t, w) &= \frac{Q_{11}}{(t_2 - t_1)(w_2 - w_1)} \cdot (t - t_1)(w - w_1) + \frac{Q_{21}}{(t_2 - t_1)(w_2 - w_1)} \cdot (t - t_1)(w - w_1) + \\ &+ \frac{Q_{12}}{(t_2 - t_1)(w_2 - w_1)} \cdot (t - t_1)(w - w_1) + \frac{Q_{22}}{(t_2 - t_1)(w_2 - w_1)} \cdot (t - t_1)(w - w_1); \end{aligned} \quad (7)$$

Ушбу бетоннинг $B(t, w)$ синфини аниқловчи модел ёрдамида ташқи муҳит намлиги ва ҳарорати таъсирида 10 йил давомида бетоннинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш дастурини кўриб чиқамиз.

Вақтни (йил) t деб белгилаймиз. $t \in 1..3t$ нинг ҳар бир қадамини (қадам 1 га тенг) 10 йил деб танлаймиз.

ҚМҚ 2.01.01-94 меъёрий ҳужжатда ташқи таъсир этувчи ҳарорат ва намлик фаслларга ажратилган ҳамда ўртача ҳароратлар ва намликлар асосида (7) формула ёрдамида $B(t, w)$ функция яратилди.

Интерполяциялаш натижасида (7) формулага кўра (6) Билайн интерполяцияси умумий кўринишидаги (8) функцияга эга бўламиз.


$$B(t, w) = (82.97 + 37.49 \cdot t_i - 0.227 \cdot w_i - 0.189 \cdot t_i \cdot w_i) \quad (8)$$

Бетон синфини аниқлаш формуласига кўра қуйидаги формулани келтирамыз:

$$R_{\dot{y}p} \cdot B(t, w) = r \cdot \left(1 - 1.94 \cdot \frac{\sum_{i=1}^n (R_i - R_{\dot{y}p})^2}{n - 1} \right) \quad (9)$$

$$r = \frac{R_{\dot{y}p} \cdot B(t, w)}{\left(1 - 1.94 \cdot \frac{\sum_{i=1}^n (R_i - R_{\dot{y}p})^2}{n - 1} \right)} \quad (10)$$

$R_{\text{мус}} = R_{\dot{y}p} + i \cdot r$, $i = 1, 2, 3$, $R_{\text{мус}}$ - R - қидириладиган мустаҳкамлик; r - тадқиқот натижасидаги мустаҳкамлик коэффициентини; R_i - ҳар бир аниқланган мустаҳкамлик; $B(t, w)$ - ҳарорат ва намлик орқали аниқланган кўпхад; $R_{\dot{y}p}$ - аниқланган мустаҳкамликнинг ўртача қиймати.



3-расм. Бетон мустаҳкамлигини иқлимий ҳарорат ва намлик таъсирида ўзгиришини аниқлашнинг блок схемаси

Юқорида яратилган моделлар ёрдамида қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи темирбетон конструкцияларида арматуранинг коррозияга учраган ва қолдиқ қисмини, коррозия жараёни фаоллашишини ҳамда ташқи муҳит ва юк таъсирида бетон мустаҳкамлигини ўзгаришини аниқлаш (прогноз қилиш) мумкинлигини кўрсатади.

Бу моделлардан амалий фойдаланиш муҳандислик ҳисоблари ишончилигини оширади ва амалда бинонинг темирбетон конструкцияларини умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бино юк кўтарувчи конструкцияларининг кучланиш-деформация ҳолатлари”** деб номланган тўртинчи бобида қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли бино юк кўтарувчи конструкцияларининг кучланиш-деформация ҳолатлари, темирбетон тўсинларнинг деформациялари, дарзбардошлиги, тадқиқот олиб борилаётган биноларни ПК ЛИРА-САПР 2019 бўйича сейсмик таъсирларга ҳисоблари, экспериментал-назарий тадқиқотлар натижалари бўйича таклиф ва тавсиялари, объектларни ишга туширишнинг техник самарадорлиги ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш натижаларининг таҳлили ёритиб берилган.

Қурилиши тугатилмаган темирбетон каркасли биноларнинг юк кўтарувчи эгиловчи конструкциялари деформациясига ташқи ҳароратнинг доимий даврий ўзгарувчан таъсирлари кузатилди. Бу таъсирлар бетон таркибида ўзига ҳос салбий ўзгаришларга олиб келади, бунинг асосий сабабларидан бирик-конструкция бетони ҳарорати ошиши ва пасайиши бўлиб, бу жараённинг даврий такрорланиши бетон мустаҳкамлигини камайтиради. Бундай конструкцияларни ҳисоблашда бетоннинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлариغا ишлаш шароити коэффициенти γ_{b7} киритилади. Шу билан бир қаторда бетон мустаҳкамлиги билан боғлиқ унинг эластиклик модули ҳам пасаяди ва охир оқибат у деформацияларнинг ошишига олиб келади. Қуруқ иссиқ иқлим ҳароратининг салбий таъсирини инобатга олиш учун, бетон эластик модулини камайтишини ҳисобга олувчи 0,85 коэффицент қўлланилади.

Темирбетон каркаслар тўсинларида деформациялар учта ташкил қилувчидан иборат эканлиги маълум, яъни юк таъсиридан, бетоннинг киришиш ҳарорат деформацияси ва тўғридан-тўғри иқлим ҳарорати остида бетон ҳароратини ўсиши натижасида ҳосил бўлган ҳарорат деформацияси. Бу деформацияларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бетонда ҳарорат таъсиридан ҳосил бўлган киришиш деформацияси тез юзага келиб тез ўтиб кетади ва унинг қиймати ҳароратга боғлиқ, яъни

$$\varepsilon_{st} = \alpha_{st} \cdot t \quad (11)$$

бу ерда α_{st} -ҳароратдан киришиш деформацияси коэффициенти; $\alpha_{st} = 2,5 \cdot 10^{-5}$ бетон ҳарорати 100 °С дан ошмаган шароитлар учун; t – бетоннинг қизиш ҳарорати.

Бетоннинг ҳарорат таъсиридан кенгайиш деформацияси қайтадиган бўлиб, унинг қиймати қизиш ҳароратига боғлиқ, яъни

$$\varepsilon_t = \alpha_t \cdot t \quad (12)$$

бу ерда α_t - қизишдан содир бўлган кенгайиш ҳарорат коэффиценти; $\alpha_t = 12,5 \cdot 10^{-6}$ бетон ҳарорати 100°C дан ошмаган шароитлар учун.

(11) ва (12) бўйича аниқланган бетон ҳарорат деформациялари йиғиндиси:

$$\varepsilon_{bt} = \varepsilon_t \cdot \varepsilon_{st} = (\alpha_t - \alpha_{st}) \cdot t = \alpha_{bt} \cdot t \quad (13)$$

бу ерда ε_{bt} - бетон ҳарорат деформациялари йиғиндиси коэффиценти; $\alpha_{bt} = 10 \cdot 10^{-6}$ бетон ҳарорати 100°C дан ошмаган шароитлар учун.

